

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**“ИНФОРМАТИКА ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
КАФЕДРАСИ**



АЮПОВ РАВШАН ХАМДАМОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АТАМАЛАРИНИНГ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

Тошкент - 2020

Ахборот-коммуникацион технологиялар атамаларининг изоҳли луғати. Тошкент: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети. 2020 йил. - 262 бет.

АННОТАЦИЯ

Ахборот-коммуникацион технологиялар ва рақамли иқтисодиёт атамаларининг ушбу изоҳли луғати бу соҳани ўрганаётганлар, бу соҳада ишлаётганлар, бу соҳага қизиққанлар ҳамда бу соҳада таълим олаётган ўқувчи-талабалар учун жуда кўпчилик тушунарсиз ёки ноаниқликка эга бўлган атамаларни имкон даражасида аниқлаштириш ва тушунтириш учун хизмат қилади. Албатта биз бу миқёси жуда ҳам кенг бўлган АКТ, рақамли иқтисодиёт, компьютер технологиялари ва дастурлаш соҳасидаги барча атамаларни ҳам қамраб ололмадик, шунинг учун, агар бу соҳа атамаларидан ушбу китобга кирмаганларини билсангиз, бизга жўнатинг ва биз уларни миннатдорчилик билан бу китобнинг кейинги таҳрирларида уни янада яхшилаш мақсадида керакли бўлимларга қўшиб қўямиз. Бизнинг электрон манзилимиз:

ayupovr1x1@gmail.com

МУНДАРИЖА

- А -	5
- Б -	33
- В -	41
- Г -	59
- Д -	65
- Е -	73
- Ё -	73
- Ж -	74
- З -	74
- И -	75
- Й -	86
- К -	87
- Л -	116
- М -	118
- Н -	145
- О -	148
- П -	154
- Р -	161
- С -	177
- Т -	199
- У -	210
- Ф -	215
- Х -	223

- Ц -	227
- Ч -	227
- Ш -	228
- Э -	231
- Ю -	243
- Я -	245
- Ў -	246
- Қ -	246
- Х -	247
ИЛОВАЛАР.....	248

ALGOL - Математик масалаларни ечиш учун мўлжалланган дастурлаш тили. Биринчи навбатда ALGOL (алгоритмик тил) сонли масалаларни ечишга мўлжалланган. Тилнинг синтаксиси аниқ белгиланганлиги ALGOLнинг муайян тур тузилмага эга бўлган компьютерларга нисбатан мустақил бўлишини таъминлади. Тилнинг алоҳида томони бўлиб унинг блокли тузилмасидир. ALGOL кўпроқ Европада тарқалди ва янги тилларнинг, масалан, Pascal тилининг яратилишида муҳим босқич бўлди.

Android. Google ташаббуси билан бошлаб берилган, Open Handset Alliance (ОНА) ишлаб чиқаётган Linuxга асосланган мобил телефонлар учун платформа. У ишлаб чиқилган Google кутубхоналаридан фойдаланиб, бошқарувчи қурилма орқали Java қўлланмаларни яратиш имконини беради.

Alibaba group –электрон тижорат тармоғи инфратузилмасини қўллаб-қувватлашни бажарадиган, қидирув сервислари, тўлов тизими, логистика ва ахборот сервислари, маркетинг сервислари, қатнашчиларнинг ички техник қўллаб-қувватлаш хизматлари ва бошқаларни ўз ичига оладиган сервислар экотизимини ишлаб чиққан компания. Amazon компанияси ўз фаолиятини онлайн супермаркет сифатида бошлаган, бироқ ҳозирги пайтда асосий эътиборни контент тақдим этишга қаратади. маълумотлар йиғиш, маълумотларни қайта ишлаш, компьютер ресурслари, маълумот ва хабарларни этказиб бериш каби қўллаб хизматларни ўз ичига олган булутли FT инфратузилмасини яратиш учун компанияларга имконият яратадиган экотизимни яратди.

Apache Software Foundation (ASF) - Apache дастурий таъминот лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган жамғарма. ASF 1999 йили Apache Groupдан ташқил топган. ASF жамғармаси дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи ва Open Source лойиҳаларда ишловчи ташаббускор дастурчилардан ташқил топган. Apache

лойиҳаларнинг фарқли томони - кодни биргаликда дастурлаш ва очик лицензия - Apache Software Licenseдан фойдаланиш учун кенг кўламдаги амалий тизим ва дастурий таъминот ишлаб чиқаради.

ARPANET (Advanced Research Projects Agency Network) - Америка қўшма Штатларида 1969 йилда ташқил этилган компьютер тармоғи, Америка қўшма Штатлари муҳофаа вазирлиги истиқболли тадқиқотлар агентлиги ва Интернет прототипи бўлди.

Assembler - Тушунчалари компьютер архитектурасини акс эттирадиган қуйи поғона дастурлаш тили. Ассемблер тили таркибига жумлалар, буйруқлар ва маълумотлар форматлари киради, улар муайян компьютер имкониятларига бир қийматли тарзда мос келади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир операторга компьютернинг бирор буйруғи мос келади. Ассемблер тилидан машина тилига ўгиришни автоматлаштириш учун яратилган дастурлар ассемблерлар деб аталади. Ассемблернинг киришига Ассемблер тилида ёзилган дастлабки дастур киритилади. Ассемблер чиқишида машина буйруқларидан таркиб топган дастур берилади. Дисассемблер деганда, машина кодидан Ассемблер тилида ёзилган дастурга ўзгарувчи дастур назарда тутилади.

Абсолют – **EXCEL** даги катакча (ячейка)лар \$ белгиси (масалан: \$Ф\$7) билан бирикмада ячейкалар координаталари орқали ифодаланади.

Аватар - Фойдаланувчи шахсини аниқловчи кичик ўлчамдаги фотосурат ёки бошқа статик ёки анимацияланган тасвир. Одатда коммуникация дастурлари (масалан, оний алоқа дастурлари)нинг шахсий соғламалари ёки руйхатдан утган фойдаланувчининг форум, чат, ижтимоий тармоқ, блог ва бошқа сайтлардаги профилларида кўрсатилади.

Аввалги излар (cookies) – интернетдан юклаб олинган дастурларнинг белгичалари.

Авто жавоб бергич - Телефон ёки модемнинг абонентлар учун нуткий ахборотни акс эттириш ва абонентлар хабарларини диск, кассета ёки флеш хотирага ёзиш имконини берувчи функцияси.

Автографика – Слайд объектлари ранги ва чизиклар параметрларини созлаш

Автоматик дешифрлаш – дешифрлаш автоматик муқобил биллинг. Абонентга ихтиёрий телефондан чакирувни амалга ошириш, лекин сўзлашув тўловини шу хизмат учун белгиланган ва чакирувчи томонга ҳам, чакирилувчи томонга ҳам тегишли бўлмаган учинчи абонентга утказиш имконини берувчи хизмат. Бу хизматдан фойдаланиш учун махсус кириш коди ишлатилади.

Автоматик муқобил биллинг - Абонентга ихтиёрий телефондан чакирувни амалга ошириш, лекин сўзлашув тўловини шу хизмат учун белгиланган ва чакирувчи томонга ҳам, чакирилувчи томонга ҳам тегишли бўлмаган учинчи абонентга утказиш имконини берувчи хизмат. Бу хизматдан фойдаланиш учун махсус кириш коди ишлатилади.

Автоматик телефон станциясининг хизмат зонаси - Мазкур телефон станцияси ёки подстанцияси жойлашган худуд. Бу худудда телефон станцияси ёки подстанциясига уланган магистраль, таркатувчи тармоқнинг кабель (хаводаги) линиялари ҳамда радио фойдаланиш воситалари мавжуд. Шу ускуналар билан зонани телефонлаштириш мумкин бўлади.

Автоматик тизим - Инсон иштирокисиз мустақил фаолият юритувчи дастурий ва аппаратли воситалар тизими.

Автоматлаштирилган ахборот технологиялари ахборот жараёнини амалга оширувчи дастурий – техник воситалар.

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва уларнинг технологияларини таъминлаш воситалари - Ахборот тизимларини лойихалаш ва улардан фойдаланишни таъминлаш

учун фойдаланиладиган ёки яратилладиган дастурий, техникавий, лингвистик, ҳуқуқий, ташқилий воситалар (компьютер учун дастурлар; ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари; лугатлар, тезауруслар ва таснифлагичлар; кўрсатмалар ва услубиятлар; қоидалар, низомлар, лавозим кўрсатмалари; чизмалар ва уларнинг таснифлари, бошқа фойдаланиш ва кузатиш ҳужжатлари)

Автоматлаштирилган бошқариш тизими (АБТ) - Математик услублар, техник воситалар (компьютерлар, алоқа воситалари, маълумотларни чиқариш қурилмалари ва х.к.) ва ташқилий мажмуалар тўплами. У белгилаб олинган мақсадга мувофиқ мураккаб объект (жараён)ни бошқаришни таъминлайди. АБТ асос ва функционал қисмларга булинади. Асосга ахборий, техникавий ва математик таъминотлар киради. Функционал қисмга аниқ бошқарув вазифаларини (лойихалаш, молиявий-ҳисобот фаолияти ва х.к.) автоматлаштирувчи ўзаро боғлиқ дастурлар тўплами киради. Икки турдаги АБТ мавжуд. Булар, объектлар микёсида автоматлаштирилган тизимлар (технологик жараёнлар учун - ТЖАБТ, корхона учун - КАБТ, соҳа учун - САБТ) ва функционал автоматлаштирилган тизимлардир. Функционал АБТга лойихалаш, ҳисоб-китоб, моддий-техника ва бошқа таъминотлар учун мўлжалланган АБТ мисол була олади.

Автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) - Техник ва дастурий воситаларнинг шахсий мажмуаси. У мутахассис касбий меҳнатини автоматлаштиришга қаратилган ва унга керакли ҳужжат ва маълумотларни тайёрлаш, таҳрир қилиш, излаш ва (экран ёки коғозга) чиқаришни таъминлайди. АИЖ шахсий компьютердаги алоҳида автоматлаштирилган тизим шаклида амалга оширилган ёки автоматлаштирилган тизим атамаси бўлиши мумкин.

Автоматлаштирилган тизим - Инсон фаолияти жараёнини автоматлаштиришга қаратилган дастурий ва аппаратли воситалар тизими. Автоматик тизимдан фарқли уларок, автоматлаштирилган

тизим хар доим инсон иштирокида фаолият кўрсатади ва инсон унинг асосий бўғинидир

Автоматлаштирилган тизим ресурсининг хавфсизлиги - Конфиденциаллик, бутунлик ва киришимлилик каби уч тавсифни таъминлашдан иборат. Тизим таркибий қисмининг конфиденциаллиги шундаки, унга фақат тегишли ваколатларга эга бўлган субъектлар (фойдаланувчилар, дастурлар, жараёнлар) кира олади. Таркибий қисмининг бутунлиги уни фақат тегишли ҳуқуққа эга бўлган субъект томонидан ўзгартириш мумкинлигини назарда тутди. Киришимлилик тегишли ваколатларга эга бўлган субъект хар қачон алоҳида муаммоларсиз тизимнинг зарур бўлган таркибий қисмидан (ресурсидан) фойдаланиши мумкинлигини билдиради

Автоматлаштирилган тизимда ахборотга ишлов бериш - тизим воситаларидан фойдаланиб ахборот устида бажариладиган амаллар (йиғиш, жамгариш, сақлаш, ўзгартириш, инъикос этиш, чиқариш ва шу қабилар) мажмуаси

Автоматлаштирилган тизимнинг математик таъминоти - Тизимни бошқариш ва унинг ёрдамида ҳисоблаш техникасида ахборотга ишлов бериш вазифаларини бажариш учун зарур бўлган жами алгоритмлар ва дастурлар

Автоматлаштирилган тизимнинг техник таъминоти - Автоматлаштирилган тизим ишини таъминлашга мўлжалланган техник воситалар мажмуаси

Авторазметка – Стандарт объектлар, сарлавҳа, диаграмма ёки расмлар жойлаштириш слайд шаблони

Автофильтр – электрон жадвалнинг бу буйруги яширинган руйхатлар тугмаларини (стрелкалар билан тугмалар) бевосита устун номлари ёзилган қаторга ўрнатади. Уларнинг ёрдами билан экранга чиқарилиши лозим бўлган маълумотлар базаси ёзувлари танланади.

адаптер - Ҳар хил турдаги ва ўлчамдаги вилкалардан биргаликда фойдаланиш ёки уларни телекоммуникация розетки/коннектор билан қўшиш имконини берувчи қурилма

Аддитив технологиялар - *3D-принтер технологиялари*

- айирбошлаш ёки сотиш учун яратилган ахборот маҳсулоти;

Актив веб-саҳифа - Айни пайтда очик веб-саҳифа

Алгоритм - Вазифани бажаришга қаратилган аниқ белгиланган қоидаларнинг тартибланган чекли тўплами

Ал-Жамол алгоритми - Дискрет логарифмлаш муаммосига асосланган криптотизим. Ахборот (рақамли имзо) аутентификацияси учун ҳам ва шифрлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. 1985 йили Ал-Жамол томонидан таклиф қилинган

Алиас - Тармоқ номи, манзил, URL синоними. Агарда иккита ташқи кўринишдан фарқли манзил битта хужжатга ишорат қилаётган бўлса, ушбу манзиллар алиаслардир

Алохида ажратиш (Выделение) эффекти - объект ўлчамларини катталаштириш ва кичиклаштириш, рангларини ўзгартириш, объектни ўз атрофидан айланишини келтириш мумкин.

Альфа-канал - қисман шаффофлик эффектини яратиш мақсадида тасвирни фон билан бирлаштириш жараёни. Альфа-канал атамаси биринчи бор 1970-йиллар охирларида Алви Смит томонидан киритилган. GIF формати оддий бинар шаффофликни қўллайди (яъни, ҳар бир пиксель ёки бутунлай шаффоф бўлиши ҳам, ёки бутунлай шаффоф бўлмаслиги ҳам мумкин). PNG формати қисман шаффофликнинг 254 ёки 65534 даражасини қўллашга имкон беради

Альфа-тестлаш - Келажакдаги дастурий маҳсулотни умумий баҳолаш ва унга у ёки бу керакли хусусиятларни қўшиш учун мўлжалланган дастур ёки дастурий таъминотнинг дастлабки синов босқичи



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4959> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4959> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4959>